

## ТИЗЗА БЎҒИМИ МЕДИАЛ МЕНИСКИ ВА ОЛДИНГИ ХОЖСИМОН БОЙЛАМИ ПЛАСТИКАСИДАН КЕЙИНГИ РЕАБИЛИТАЦИЯ ТАДБИРЛАРИ.

И.Э.Хужаназаров

Ш.Б.Машарипов

*Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий  
тиббиёт маркази, Тошкент тиббиёт академияси.*

**Мавзу долзарблиги:** Олдинги хочсимон боғлам тизза бўғимини букиш-ёзиш ва ички (медиал) йўналишларда барқарорлигини таъминлайди, бир вақтнинг ўзида тизза бўғимининг асосий бўғим ичи стабилизаторларидан бири ҳисобланади. Тизза бўғими бойламларининг энг кенг тарқалган шикастланишларидан бири бу олдинги хочсимон бойламнинг узилишидир. Олдинги хочсимон бойламнинг шикастланиши умуман спортда энг кўп учрайдиган жароҳатлардан бири. Hootman J.M., 2007 йилги маълумотиға кўра, бу ўртача умумий жароҳатлар сонининг 2,6% ни ташкил қилади. Боллен С. ва бошқаларнинг фикрига кўра, олдинги ХБ орқа ХБга нисбатан 15-30 марта кўп зарар кўради. Тизза бўғими операциясидан кейин учрайдиган асоратлар асосий муаммолардан бири бўлиб келмоқда.

Жаррохлик амалиётидан кейин учрайдиган асоратлар:

1. Ҳар қандай операциялардан кейин учрайдиган умумий асоратлар:

- операциядан кейинги оғриқ;
- операцион жароҳатдан қон кетиши ва гематомалар пайдо бўлиши;
- жароҳатга инфекция тушиши;
- сон ва болдир веналари тромбози.

2. Тизза бўғими пластикасиға хос бўлган асоратлар:

- тизза бўғими атрофидаги нервларнинг жароҳатлари;
- тизза бўғимиға инфекция тушиши;
- тизза қопқоғининг синиши;
- тизза бўғими олдинги соҳасида ноқулайлик;
- тизза бўғимида ҳаракатнинг чекланиши (контрактура);
- тизза бўғими нестабиллигини тақрорланиши;
- тизза бўғимида кучли оғриқ ва ҳаракат чекланиши;

Тизза бўғими медиал мениски ва олдинги хочсимон бойламини қайта тиклаш операциясидан сўнг, асосий масала - жисмоний реабилитация воситаларини танлаш, операция қилинган оёқнинг мушак-пайларини функционал ҳолатини тиклаш ҳисобланади.

Тизза бўғими олдинги хочсимон боғлами пластикасидан кейинги реабилитация тадбирлари замонавий ортопедиянинг ўзини оптимал ечимини топмаган муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

**Мақсад:** Тизза бўғими медиал мениски ва олдинги хожсимон бойламини қайта тиклаш операциясидан кейинги реабилитация тадбирлари натижаларини баҳолаш.

**Материал:** Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий амалий тиббиёт маркази реабилитация бўлими шароитида 2020-2021-йилдан буён 40 беморларда тизза бўғими олдинги хожсимон бойлами пластикаси амалиёти бажарилган. Беморларда 37 нафари эркак ва 3 нафари аёлда тўғри келади.

**Натижалар:** барча беморларда яқин (1 йил ичида) ва узоқ (1 йилдан сўнгги) муддатли клинко-рентгелогик, ҳамда анатомо-функционал натижалар баҳоланди. Натижаларни баҳолашда оёқ биомеханик ўқини тикланганлиги, беморларда амалиётдан олдинги клиник белгилар ва шикоятларнинг бартараф бўлганлиги, тизза ва чаноқ-сон бўғимлари функциоанал имкониятларини аниқлаш каби мезонлардан фойдаланилди.

Амалиётдан сўнгги даврларда тизза бўғими олдинги хожсимон бойлами пластикаси амалиётидан кейин реабилитация тадбирларини мунтазам кўллаш беморларда тизза бўғими олдинги хожсимон бойлами шикастланиши клиник белгилари ва операциядан кейинги асоратларининг кескин пасайганлиги, беморлар ҳаёт сифатининг анчагина яхшиланганлиги аниқланди.

**Хулоса** қилиб шуни айтиш мумкинки, тизза бўғими медиал мениски ва олдинги хожсимон бойламини қайта тиклаш амалиётидан кейин реабилитация тадбирларини мунтазам кўллаш операциядан кейинги асоратлар камайишига, бўғим фаолиятини эрта тикланишига, бемор ҳаёт фаолиятини яхшилашга олиб келади.